

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ

№ 01-04/102

Тошкент ш.

2017 йил 21 октябрь

БАЁН № 10, XI БАНД, 2017 йил 21 октябрь

Олий таълим муассасалари бакалавр босқичи талабалари учун
“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендиясини жорий этиш тўғрисида

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси М.Зуфаровнинг билдиришномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари бакалавр босқичи талабаларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендияси жорий этилсин.

3. “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендияси Низоми 1-иловага, Номзодларни саралаш бўйича республика комиссияси таркиби 2-иловага, Номзодларни саралаш бўйича ҳудудий комиссия намунавий таркиби 3-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппарати Таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими (Б.Мирзаев)га ҳамда Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Н.Абдуқодиров)га стипендия тарғиботини кенг ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Марказий Кенгаши раиси ўринбосари М.Зуфаров зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси



К.Куранбаев

Ижроия Қўмитаси йиғилишининг
2017 йил “ 21 ” 04.08.08р даги
01-04/102 -сонли йиғилиш
қарорига
1-илова

**Олий таълим муассасалари бакалавр талабалари учун
“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендияси
НИЗОМИ**

I. Умумий қоидалар

1.1 “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендияси – (кейинги ўринларда стипендия деб юритилади) барча олий таълим муассасалари бакалавр талабалари ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ижтимоий фаоллигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи мукофотдир.

1.2. Стипендия талабаларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (кейинги ўринларда Иттифоқ деб юритилади) фаолиятида эришган энг юқори натижаси ва ютуғи сифатида эътироф этилади.

1.3. Номдор давлат стипендияси (даражаси жиҳатидан мазкур стипендиядан юқори туриши, шунингдек, мазкур стипендия иқтидорли ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилишини инобатга олиб) совриндорлари мазкур танловда иштирок этиши мумкин эмас.

1.4. Стипендия йилнинг ўн ойи давомида тўлаб бориладиган тўлов бўлиб, стипендиянинг бир ойлик суммаси энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорда белгиланади.

1.5. Стипендия олиш учун фақат олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бакалавр талабалар ҳужжатларини тақдим этишлари мумкин.

II. Стипендиянинг мақсад ва вазифалари

2.1. Иттифоқнинг олий таълим муассасалари талабалари орасига янада чуқурроқ кириб боришини таъминлаш ва таъсирини ошириш, талабаларнинг Иттифоқ фаолиятига интилишини кучайтириш.

2.2. Олий таълим муассасалари талабаларининг жамоат ишлари ва Иттифоқ фаолиятидаги фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини рағбатлантириш.

2.3. Иттифоқ фаолиятини кучайтиришда талабаларнинг иқтидори, илмий салоҳияти, фаоллиги ва шижоатидан унумли фойдаланиш.

III. Стипендияга номзодларни саралаш тартиби

3.1. Стипендияни қўлга киритиш учун республикадаги барча олий таълим муассасаларининг бакалавр (биринчи ва якунловчи босқичдан талабаларидан ташқари) талабалари (кейинги ўринларда номзод деб юритилади) ҳужжат топширишлари мумкин.

3.2. Номзодларнинг ҳужжатлари ўтган ўқув йилида фақат яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштирган тақдирда қабул қилинади.

3.3. Стипендия танлов уч босқичда ташкил этилади:

биринчи босқич – номзодларни анкета ва ҳужжатлари Иттифокнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларида ҳар ўқув йилининг 30 октябрга қадар қабул қилинади.

Номзодлар ҳужжатларини олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотнинг Ёшлар Кенгаши кўриб чиқади ҳамда муносиб номзодларни ўқув йилининг 15 ноябрга қадар Иттифокнинг туман (шаҳар) Кенгашларига тақдим этади.

Номзодларнинг ҳужжатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, сараланган номзодлар ўқув йилининг 1 декабрга қадар Иттифокнинг ҳудудий Кенгашларига тақдим этилади.

3.4. Номзодлар куйидаги ҳужжатлар тақдим этиши лозим:

- номзод анкетаси;
- фуқаролик паспорти нусхаси;
- 2 дона (3x4 ҳажмдаги) расм;
- Иттифокнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот ёшлар етакчиси ҳамда Иттифокнинг туман (шаҳар) Кенгаши раисидан тавсиянома;
- номзоднинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи акс этирилган маълумотнома;
- номзоднинг иқтидори ва фаоллигини кўрсатувчи ҳужжатлар (фахрий ёрлик, диплом, сертификат ва бошқа);
- номзоднинг фаоллиги ва иқтидорини кўрсатувчи илмий-публицистик материаллар (тўпламлар ёки матбуотда чикқан илмий мақоласи, тезислари, публицистик мақоласи);
- номзоднинг Иттифок томонидан таъсис этиладиган танлов ва тарғибот тадбирларига таклифи ҳамда инновацион ғояси (*чоп этилган ҳолда*).

Иккинчи босқич – саралаш босқичи бўлиб, мазкур босқичда Иттифокнинг ҳудудий Кенгаши қошида ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудуддаги барча олий таълим муассасаларидан келган номзодларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ва уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини аниқлашга қаратилган тест имтихонларидан ўтказилади. Юқори балл тўплаган ҳар бир олий таълим муассасаларидан 5 нафаргача муносиб номзодлар саралаб олинади ҳамда уларнинг ҳужжатлари Марказий Кенгашга тақдим этилади.

Учинчи босқич – якуний босқич бўлиб, мазкур босқичга йўлланма олган иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда лойиҳа тақдимоти баҳоланади. Марказий Кенгашнинг йўналишлар бўйича бўлим мудирларидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан номзоднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда лойиҳаси тақдимотига қаратилган суҳбат ташкил этилади. Суҳбат натижаларига кўра муносиб деб топилган ҳамда баҳолаш натижаларига кўра юқори балл тўплаган номзодлар стипендия соҳиби деб топилади.

3.5. Стипендия соҳиблари рўйхати Иттифокнинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3.6. Номзодларни саралаш бўйича белгиланган муддатдан кечикиб тақдим этилган ҳужжатлар қабул қилинмайди, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

3.7. Стипендия соҳиби бўлган номзодлар кейинги саралашларда такроран иштирок этиши мумкин эмас.

IV. Стипендия соҳиблари билан узлуксиз ишлаш

4.1. Стипендия соҳиблари ўзлари билдирган таклиф ва инновацион ғоялардан келиб чиқиб, қуйидаги координаторлик гуруҳларига ажратилади ҳамда туман (шаҳар) ҳудудидаги ёшлар ўртасида тарғибот тадбирлари ва танловларни юқори савияда ўтказилишига масъул ҳисобланади:

- *Ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий лойиҳа координаторлари* - таълим муассасалари, болалар оромгоҳлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда ёшларга оид давлат сиёсатида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар олиб боради.

- *Маънавий ва маърифий лойиҳалар координаторлари* - таълим муассасалари, болалар оромгоҳлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилувчи зарарли ғоялар, диний оқимлар, иллатларга қарши ёшлар онгида иммунитет ҳосил қилуви лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар олиб боради.

- *Спорт, саломатлик ва экологик маданият лойиҳалари координаторлари* - таълим муассасалари, болалар оромгоҳлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда ёшлар ўртасида спорт, соғлом турмуш тарзи, ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантиришга оид лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар олиб боради.

- *Тадбиркорлик ва туризм лойиҳалари координаторлари* - барча таълим муассасаларида ёшлар учун экотуризм ва ёшлар туризм соҳасидаги ғояларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик, кичик бизнес учун яратилган имкониятлардан фойдаланишга йўл очадиган лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар олиб боради.

- *Инновацион ғоялар ва IT лойиҳалари координаторлари* - барча таълим муассасалари ва маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар учун робот техника, инновацион технологиялар, замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдалишни таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар олиб боради.

4.2. Стипендия соҳиблари йўналишлар бўйича туман (шаҳар) ва ҳудудлар кесимида фаолиятини олиб боради.

V. Стипендия соҳиблари билан ишларни ташкил этиш тартиби

5.1. Стипендия соҳиблари “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони ва “Келажак бунёдкори” медалини олишга номзод сифатида тавсия этилиши мумкин.

5.2. Стипендия соҳиблари бўлган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиларига стипендия тўланмайди.

5.3. Стипендия соҳиблари кейинги фаолияти давомида Иттифоқ фаолиятида фаол иштирок этмаса, ўзлари таклиф этган лойиҳаларни ва инновацион ғояларни

ёшлар ўртасида татбиқ эта олмаса, Иттифоқнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий Кенгаши тақдимномасига асосан Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорига биноан унга стипендия тўлаб бериш муддатидан аввал тўхтатилади ва берилган гувоҳнома бекор қилинади.

5.4. Стипендия совриндорларига тўлаб бориладиган стипендия учун маблағ Иттифоқнинг Марказий Кенгаши ҳисобидан ҳудудий Кенгашларга ажратилади ва ўз навбатида ҳудудий Кенгашлар томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисоб-варақларига ўтказилади ҳамда совриндорларга олий таълим муассасаси томонидан тўлаб борилади.

5.5. Совриндорларга стипендия тўлаб бориш тўхтатилган тақдирда, улар учун ажратилган маблағ тегишли ҳудудий Кенгаш томонидан Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилади.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.2. Мазкур Низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш Марказий Кенгаш Ижроия Қўмита қарори билан амалга оширилади.



Ижроия Кўмитаси йиғилишининг
2017 йил “21” октябрь даги
01-04/102-сонли йиғилиш қарорига
2-илова

**Олий таълим муассасалари талабалари учун
“Ёшлар иттифоқи” стипендияси номзодларини саралаш бўйича
республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Марказий Кенгаш раиси ўринбосари,
“Камалак” болалар ташкилоти раиси - Комиссия раиси
2. Марказий Кенгаш раисининг халқаро
алоқалар, жамоатчилик билан ишлаш,
АКТларни жорий қилиш ва туризмни
ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари - Комиссия ҳамраиси
3. Марказий Кенгаш раисининг маънавий-
маърифий, ижтимоий-сиёсий масалалари
бўйича ўринбосари - Комиссия ҳамраиси
4. Марказий Кенгаш раисининг молия-
иқтисод масалалари бўйича ўринбосари - Комиссия ҳамраиси
5. Таълим муассасаларидаги ёшлар билан
ишлаш бўлими мудири - Комиссия масъул котиби
6. Фан-таълимни ривожлантириш бўлими
мудири - Комиссия аъзоси
7. Маънавий-маърифий бўлими мудири - Комиссия аъзоси
8. Спорт, соғломлаштириш бўлими мудири - Комиссия аъзоси
9. Тадбиркорликни ривожлантириш
бўлими мудири - Комиссия аъзоси
10. Ёшлар туризмни ривожлантириш бўлими
мудири - Комиссия аъзоси
11. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш
бўлими мудири - Комиссия аъзоси
12. Ахборот-коммуникация
технологияларини жорий қилиш бўлими
мудири - Комиссия аъзоси

- | | | |
|--|---|-----------------|
| 13. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири | - | Комиссия аъзоси |
| 14. “Камалак” болалар ташкилоти, бўлими мудири | - | Комиссия аъзоси |
| 15. Ижтимоий-ҳуқуқий бўлими мудири | - | Комиссия аъзоси |

Ижроия Қўмитаси йиғилишининг
2017 йил “21” Октябрь даги
01.04/102-сонли йиғилиш қарорига
3-илова

**Олий таълим муассасалари талабалари учун
“Ёшлар иттифоқи” стипендияси номзодларини саралаш бўйича
ҳудудий комиссия намунавий таркиби
ТАРКИБИ**

1. Ҳудудий Кенгаш раиси - Комиссия раиси
2. Ҳудудий “Камалак” болалар ташкилоти раиси - Комиссия раиси ўринбосари
3. Ҳудудий Таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими мудири - Комиссия масъул котиби
4. Ҳудудий Маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар туризмини ривожлантириш бўлими мудири - Комиссия аъзоси
5. Ҳудудий Спорт, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гигиена ва экологик маданиятни ошириш бўлими мудири - Комиссия аъзоси
6. Ҳудудий Тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими мудири - Комиссия аъзоси
7. Ҳудудий Бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири - Комиссия аъзоси
8. Ҳудудий Ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўлими мудири - Комиссия аъзоси

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси
Қ.Қуранбаева

Хурматли Қаҳрамон Қўчқорович!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи олий таълим муассасалари талабалари орасига янада чуқурроқ кириб боришни таъминлаш ва таъсирини ошириш, талабаларнинг Иттифоқ фаолиятига интилишини кучайтириш, Олий таълим муассасалари талабаларининг жамоат ишлари ва Иттифоқ фаолиятидаги фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини рағбатлантириш, Иттифоқ фаолиятини кучайтиришда талабаларнинг иқтидори, илмий салоҳияти, фаоллиги ва шижоатидан унумли фойдаланиш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари бакалавр талабалари учун "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" стипендиясини жорий этиш таклифини билдирамыз.

Сиз томондан розилик билдирилган тақдирда мазкур масalani Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймыз.

Марказий Кенгаш раиси
ўринбосари



М.Зуфаров